Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам-ки, охир замон умматларидан на бир яҳудий, ва на бир насроний менинг хабаримни эшитса-ю, кейин мен олиб келган динга иймон келтирмасдан ўлиб кетса, албатта жаҳаннам эгаларидан бўлади!», – дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасам-ки, охир замон умматларидан на бир яҳудий, ва на бир насроний менинг хабаримни эшитса-ю, кейин мен олиб келган динга иймон келтирмасдан ўлиб кетса, албатта жаҳаннам эгаларидан бўлади!», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда бу умматдан на бир яҳудий, ва на бир насроний ёки бошқа миллатлардан бирортаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабарини эшитса-ю сўнгра иймон келтирмай ўлса, у абадий дўзаҳ аҳлидан бўлишни хабар бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3272